

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

У.Бекбаев, К.Муминов Матрицали дифференциал тенгламалар системасини сиртлар учун Лоренц алмаштиришлари аниқлигида ечиш.....	5
Э.Каримов, С.Кербал Суб-диффузия ва тўлқин тенгламаларидан иборат аралаш типдаги тенглама учун трикоми типдаги масала.....	10

КИМЁ

Н.Бозоров, В.Кудышкин Метилакрилатнинг акрил кислотаси билан сополимеризацияси	15
Ҳ.Исмоилова, Д.Бекчанов, Ш.Ҳасанов, М.Балтаева Пластикат поливинилхлоридни полиэтиленполиамин билан модификациялаб олинган ионитга мис(II), никель (II) ва кобальт(II) ионларининг сорбцияси	19
М.Ахмадалиев, И.Асқаров Зарарсиз толалар асосида маҳсулот олиш канцероген асбест муаммоларининг ечими сифатида	22
Б.Саттарова, И.Асқаров, Ш.Абдуллоев Товуқ гўштини сертификатлашда унинг таркибидаги антиоксидантлар миқдорини аниқлаш.....	27

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Р.Максудов Фарғона вилоятида анорчиликни ривожлантириш ва ушбу соҳанинг истиқболлари	33
--	----

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.Гафуров, О.Гафуров Агроиқтисодиётнинг муҳим моддий ва маънавий тимсоли (КФК 80 ёшда).....	36
---	----

ТАРИХ

Б.Абдуллаев, З.Раҳманов, Н.Камбаров Қўштепа-2 ёдгорлигидаги кўшк хандагининг тадқиқотлари	40
У.Мирзалиев Совет даврида Сирдарё вилоятидаги тарихий-демографик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари	44
И.Хўжахонов Совет тарихшунослигида ўзбеклар миллий идентиклиги муаммосининг ўрганилиш жиҳатлари.....	48
М.Ҳасанов, Юнпенг Танг, М.Ҳомиджонова Шимолий Бақтриянинг Кушонлар даврига оид янги ёдгорликлари.....	54
Р.Мамадалиев Исмоил ака – темиршунос олим	59
Ш.Охунжонова XIX аср ўрталари - XX аср бошларида Фарғона водийси бозорлари тарихидан.....	64

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Г.Ғаффарова Мураккаб тизимларга оид илмий ғоялар	68
М.Маматов Тасаввуф таълимотининг ижтимоий-маданий детерминантлари	73
Т.Абдуллаев, Б.Холматова Инсон омилини фаоллаштириш масалалари	77
О.Бойбуваева Мамлакатимизда амалга оширилаётган диний-маърифий соҳадаги ислохотларнинг такомиллашуви	82

УДК: 10+321.8+008

ИНСОН ОМИЛИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ
ВОПРОСЫ АКТИВИЗАЦИИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО ФАКТОРА
THE ISSUES OF THE ACTIVATION OF HUMAN FACTORS

Т.Абдуллаев, Б.Холматова

Аннотация

Мақолада инсоннинг кўп қиррали фаолияти, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига ижтимоий омилларининг таъсир этиши ҳамда юксалиб боришининг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятлари илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Аннотация

В статье освещается и научно обоснована многоплановая деятельность человека, его социальные факторы, которые оказывают влияние на все сферы жизни общества, а также особенности и закономерности их проявления.

Annotation

The article is devoted to the scientific multyplanned fastors of the human actions, the social factors, which influence on all the sphears of society, the peculiarities and laws of manifestation in the society.

Таянч сўз ва иборалар: *ислохотлар, глобаллашув, фаолият, инсон омили, ижтимоийлашув, манфаатлар, эҳтиёжлар, демократиялашув, тадбиркорлик, хусусийлаштириш, муносабат, дунёқараш, маданият, компонентлар, тизим, жамият, функциялар, бошқарув, ўзгариш, шахс.*

Ключевые слова и выражения: *реформы, глобализация, деятельность, человеческий фактор, социализация, интересы, потребности, демократизация, отношения, мировоззрение, культура, компоненты, система, общество, функции, управление, изменение, личность.*

Keywords and expressions: *reforms, globalization, activity human factor, socialization interests, demands, democritization, relation, world view, culture, components, system, society, function, management, variation, personality.*

Инсоният тарихида, ҳозирги даврда ва келажакда, авваламбор, инсон етакчи омили сифатида барча функцияларни бажаришга интилади. Айниқса XXI асрда содир бўлаётган жараёнлар тезкорлик ва кенг-кўламда намоён бўлаётгани жамият фуқароларининг фаолиятлари ва, умуман, турмуш тарзининг янги қирраларини очиб бермоқда. Ҳар бир масалага нисбатан замонавий инсон сифатида атрофлича ёндашишни, унинг моҳиятини ўрганиб боришни, сабаб ва оқибатини аниқлашни, методологик ва амалий аҳамиятини илмий жиҳатдан асослаб беришни устувор вазифалар сифатида қўйяпти.

Республикада босқичма-босқич давом этаётган бозор иқтисодиётини ҳамда демократик ислохотларни ҳаётга тадбиқ этишда инсон омили салмоқли ҳисса қўшиб бормоқда. Инсон фаолиятининг негизида асосан ақлий, интеллектуал салоҳияти, кенг кўламда намоён бўлаётган дунёқараши, назарий статистик ва эмпирик маълумотларни ўзлаштириш ёрдамида ўсиб бораётган билими, атрофдаги ўзгаришларга, бошқа шахс ва гуруҳларга нисбатан билдираётган муносабати, айниқса, мазмунли, режали меҳнати хизмат

қилади. Кўрсатилган инсон омилининг компонентлари яхлитликда, бир-бирини тўлдириб, ғоявий жиҳатдан боғланиш асосида жамият тараққиётига функционал таъсирини билдиради. Ҳақиқатан ҳам, “инсон омили ҳар қандай жамият тараққиётининг кишилик ҳаёти моҳияти ва мазмунининг асоси бўлиб келган” [1,85].

Таъкидлаш жоизки, инсон омилининг бир маромда юксалиб бориши мақсадида давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан аниқ чора-тадбирлар қўлланиляпти, яъни:

- республика раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган давлат дастури – Ҳаракатлар стратегияси ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларига татбиқ этиляпти;

- кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар ҳозирги даврнинг талаблари асосида баркамол авлодни тарбиялаш, ўқув муассасаларида замонавий технологияларни қўллаш билан бирга профессор-ўқитувчилар илмий салоҳиятининг юксалиши учун моддий ва маънавий жиҳатдан шароитлар яратилляпти;

- бозор иқтисодиётининг талабларидан

Т.Абдуллаев – ФарДУ профессори, фалсафа фанлари доктори.

Б.Холматова – ФарДУ доценти, фалсафа фанлари номзоди.

келиб чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан мунтазам равишда шуғулланаётган субъектларга солиқ, банклардан кредит олиш, ишни эркин ташкил этиш масалаларида катта имтиёзлар берилаяпти, шунинг учун “биз ёшларимизда тадбиркорлик ташаббусини ривожлантира олсак, уларга маблағлардан тўғри фойдаланишни ўргатсак, нафақат иқтисодий, балки кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этган бўламиз” [2,2].

- фуқароларнинг компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида жойларда, айниқса, олий ўқув юртиларида махсус марказлар ташкил этилаяпти ва аниқ режа асосида етакчи мутахассислар ёрдамида назарий ва амалий машғулотлар олиб борилаяпти;

- ақлий меҳнат билан ижодий равишда шуғулланаётган мутахассис ва ходимларга корхона, ташкилот маъмуриятининг ёрдами билан замонавий технологиялардан фойдаланиш учун тегишли шароитлар яратилапти.

Кўрсатилган чора-тадбирларнинг юқори натижа бериши учун мавжуд шароитларга ҳар бир шахснинг назарий ва психологик жиҳатдан тайёр бўлиши, белгиланган ишларни босқичма-босқич ташкил этишини тақозо этилади.

Амалиёт кўрсатганидек, ҳар бир босқичнинг ўзига хос афзаллик ва қийинчилик томонлари бор. Шунинг учун ҳам инсон омили вақт ўтиши мобайнида ҳар томонлама ўзгариб боради ва янги компонентлар билан бойиб бориши кузатилади. Масалан, ҳозирги босқичнинг афзаллик томони – бу, инсон омилига зарур бўлган замонавий технологияларни ва истаган мавзуга доир ахборотнинг чексиз ҳажмда интернет орқали бир зумда тарқалишидир. Ўтмишга назар қаратадиган бўлсак, Шарқ ва Ғарбнинг буюк алломалари Фалес, Анаксимандр, Демокрит, ибн Сино ва бошқалар инсон ҳаётининг моҳияти, яъни субстанция сифатида сув, ҳаво, олов, тупроқ, атом каби унсурларни кўрсатиб беришган. Диалектика нуқтаи назаридан инсон оламида ҳамма нарса, буюм, ҳодиса ва жараёнларнинг ўзгариб бориши янги ва янги субстанция юзага келишини билдиради.

Глобаллашув даврида ва фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида инсон омилининг ўзагини ҳамда мазмун-

моҳиятини ахборотлар ташкил этади. Ахборотлар, бир томондан, инсон фаолиятининг ижтимоий-ғоявий негизларини мустаҳкамляпти, иккинчи томондан эса унинг эзгу мақсадлари ва орзуларини рўёбга чиқаришга кўмаклашяпти. Ҳақиқатан ҳам барча маълумотга эга бўлган шахснинг фуқаролик позицияси мустаҳкамланиб боради, ҳар қандай ғоявий, мафкуравий таҳдидлардан нафақат ўзини ҳимоя қилиб, балки яқин одамлари, маҳалла, жамоани ва уларнинг манфаатларини ҳам ҳимоя қила олади. Шу билан бирга, олдида кўйган мақсад-вазифаларни тезкорлик билан бажаради. Ҳар қандай ривожланиш албатта четланиш ёки пасайиш ҳолатларидан иборат бўлади, яъни айрим шахслар, ҳаттоки гуруҳлар ахборотларга нисбатан нотўғри ёки ноқонуний ёндашганлари натижасида чалғитадиган, онгни захарлайдиган ахборотларни ўзлаштиришмоқда. Бундай ҳолат салбий, ҳаттоки, реакцион оқим вакиллариининг ҳаракатларида ҳам кўриняпти. Масалан, халқаро терроризм, диний экстремизм каби оқимларга кириб қолган ёшларда ёвуз ниятлар ва ноқонуний ҳаракатларнинг намоён бўлиши жиддий муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўляпти. Уларнинг ёвуз ва ғаразли мақсадларига қарши республика раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Халқаро илмий-амалий конференциялар, давлат раҳбарларининг учрашувларини ўтказиш, ОАВ ходимларига имтиёзлар бериш каби йўллари орқали инсон омили ғоявий ва мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилинапти.

Бундан ташқари, баъзи бир одамларнинг билими ва савияси давр талабларига жавоб бера олмаётгани масъулиятсизлик, лоқайдлик, боқимандалик каби иллатларда кўриняпти, мазкур ҳолат эса инсон омилига салбий таъсир этяпти.

Шунинг учун инсон фаолияти ва унинг негизлари кўпқиррали жараён сифатида намоён бўлади, яъни у “Таълим-тарбия, меҳнат, мулоқот жараёнида, ижтимоий тажриба, билим, турли муносабатлар, ахлоқий меъёрлар, сиёсий ғоя, миллий мафкура каби омиллар таъсирида яшайди, уларни ўзлаштиради ва шу жараёнда ижтимоийлашади, яъни шахс бўлиб шаклланади” [3,275].

Инсон омилини фаоллаштириш ва салбий ҳолатлардан четлаш мақсадида куйидаги масалаларга эътибор берилади:

- республика ва умуман халқаро ҳаётда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни илмий асосда таҳлил қилиш, хулоса чиқариш ва амалиётда қўллаш мақсадида тегишли шарт-шароитлар яратиш;

- меҳнат фаолиятини ташкил этиш жараёнида фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш билан бирга илғор тажрибаларни асос қилиб олиш ва ўз интеллектуал имкониятлари билан боғлашга ҳаракат қилиш;

- тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан боғлиқ фаолиятни давр талабларидан келиб чиққан ҳолда тизимли ташкил этиш ва давлатимиз томонидан белгиланган стратегик вазифаларни бажаришга йўналтириш;

- Ўзбекистон Президенти томонидан эълон қилинаётган фармон ва қарорларни, Олий Мажлисда тайёрланаётган қонунларни, ҳаётимизнинг асосий қомуси – Конституциянинг концептуал ғоялари, тамойиллари, мақсад-вазифаларини фуқароларни мукамал ўзлаштириш ва уларга амал қилишни доимий равишда ўргатиб бориш.

Таъкидлаш жоизки, инсон омили жамиятимизнинг таркибий қисми бўлгани учун қандай шароит бўлишидан қатъий назар, ҳар томонлама ўзгарувчан қилади. Белгиланган вазифа ва режаларнинг мазмун-моҳияти ва методологик аҳамиятини фуқаролар томонидан тушунилиши, фаолиятлари билан боғлашлари инсон омилининг юксалиши ва фаоллигини таъминлайди. Бундай ҳолатга эришиш мураккаб ва қарама-қаршиликлардан иборат жараён. Сабабларидан бири шундаки, мавжуд бўлган шароит ва имкониятлардан инсон самарали, режали, қисман, вақти-вақти билан ёки нотўғри фойдаланиши мумкин. Психологик жиҳатдан, инсонларнинг индивидуаллиги, яъни ҳиссиётлари, тасаввурлари, қобилияти ва бошқа фазилатлари турли шакл ва даражада намоён бўлишида кўринади. Шунинг учун инсон омилининг шаклланиши, ривожланиши ва функционал ўзгариши ҳам турли даражада намоён бўлади. Шу нуқтаи

назардан республика ҳаётининг ҳамма соҳаларига қаратилган демократик ислохотлар биринчи галда инсон манфаати, унинг турмуш фаровонлиги, эркинлиги ва мустақил фикрлашини таъминлайди, инсон омилини эса ижобий томонга ўзгартириб боради, унинг онги ва тафаккурини янги ғоялар билан бойитади, муҳими, меҳнатидан маънавий қониқиш ҳосил бўлади. Инсон меҳнатидан илҳомланиб, завқланиб борса, касбий маҳоратини оширишга, масъулият билан ишига ёндашишга, тайёрлаётган маҳсулотнинг сифати ва миқдорига эътибор беришга ҳаракат қилади. “Меҳнатнинг ривожланиши билан, – деб таъкидлайди Э.Юсупов, – инсон табиати ҳам, унинг психофизик (руҳий-жисмоний) белгилари (ақли, руҳияти, маданияти) ҳам ўзгаради” [4, 190]. Бинобарин, мамлакатимиз ютуқлари инсон омили билан боғлиқ, яъни уларнинг мазмунли меҳнати, интеллектуал салоҳияти, ижодий ёндашуви, кенг кўламдаги дунёқараши инсон омилининг етакчи компонентлари ҳисобланиб, уларнинг мақсад-вазифалари, мазмуни ва аҳамияти билан яхлит тизимли ташкил этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат жараёнида шакл ва мазмун жиҳатидан ўзгаришлар содир бўлмоқда, яъни ташкилот, корхона ходимлари замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятига эга бўлаяпти. Инвесторлар билан ҳамкорлик кенгайиб борапти, долзарб масалалар бўйича изланишлар фаоллашяпти.

Меҳнат жараёнининг мазмуни асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг оммавийлашиб боришида кўриняпти. Шу нуқтаи назардан 2018 йил давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан “Фаол тадбиркорлик ва замонавий технологияларни қўллаш йили”, деб эълон қилинди. 2019 йил эса “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”, деб аталган. Ўзбекистоннинг ҳамма соҳаларига инвестициянинг шиддат билан кириб келиши бир томондан иқтисодиётимизни, иккинчи томондан эса инсон омилининг ривожланишига кенг йўл очиб бермоқда.

Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, илғор тажриба, технологиялар ва, албатта, инновацион ғояларнинг ҳаётимизга кириб келиши

бошқарув тизимига ҳам ижобий таъсир этмоқда. “Бугунги кунда юртимизда чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда” [5].

Бошқарув тизимининг такомиллашуви объектив жараён сифатида намоён бўлади, шунинг учун ҳар бир босқичда янги даврга мос бўлган услублар қўлланилади, муҳими, уларнинг кўлами горизонтал ва вертикал асосда кенгайиб боради. Замонавий мутахассис ва ходимлар демократик тамойилларга таянган ҳолда барча масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этишдан манфаатдор эканликларини билдиришяпти. Бундай ҳолат инсон онги ва тафаккурининг ўсиб боришини тақозо этади. Инсон онги ва тафаккури мустақам билим, эътиқод ва ижодий изланиш қобилиятига таянади. Инсонлар бир-биридан жисмонан ва маънавий жиҳатдан фарқ қилгани, уларнинг фаолияти ҳамда турмуш тарзи мазмуни ва функциялари, намоён бўлиш даражалари ҳам бир-бирига ўхшамайди, яъни ўзига хос хусусиятлари ва умумий томонлари билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан, фуқаролик жамиятининг ривожланиши аҳоли ўртасида эркинлик, мустақил фикрлаш, илмий дунёқараш, модернизациялашув жараёни билан боғланган ҳолда намоён бўлаяпти.

Шунинг учун мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг мазмун-моҳияти, сабаб-оқибатларини аниқлаш имконияти инсон учун реал вазиятлар қаторида ўрин эгалламоқда. Бундай ҳолатга эришиш учун фуқароларнинг хоҳиш-истаклари билан бирга инсоннинг сиёсий ва маънавий жиҳатдан етуклиги методологик аҳамиятга эга.

Йиллар давомида олиб борилган кузатувлар кўрсатганидек, мавжуд бўлган қулай шароитда инсон омилларининг асосий қисми жамият тараққиётига хизмат қилгани, маълум бир қисми эса кўзда тутилмаган муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлаяпти. Аҳолининг асосий қисмида меҳнатсеварлик, у ёки бу масалага нисбатан масъулият билан ёндошиш, касбий маҳоратни ошириб бориш, ташаббус кўрсатиш каби ижобий фазилатлар мавжуд. Шу билан бирга бозор иқтисодиёти ривожланишига қарамай, айрим шахсларда боқимандалик кайфияти, меҳнатсиз

даромадга интилиш, жамоа ишларига лоқайдлик, сиёсий, иқтисодий масалаларнинг аҳамиятини юзаки тушуниш каби салбий фазилатлар инсон омилига ва унинг фаоллигининг ўсиб боришига маълум даражада тўсиқлар яратяпти.

Бундай ҳолатларни давлатимиз етакчи мутахассисларни жалб этиш ёрдамида атрофлича ўрганапти, аҳоли ўртасида мафкуравий, маънавий-маърифий ишлар мунтазам равишда олиб бориляпти. Масалан, жамиятимизнинг долзарб масалалари бўйича давра суҳбатлари, семинар-тренинглари олиб бориляпти, меҳнат ва меҳнатдан ташқари фаолиятлари кузатиляпти ва таҳлил қилинляпти, фикр-мулоҳазалари ҳамда истаклари инobatга олинляпти, муҳими, жамоатчилик фикрининг шаклланишига кенг йўл очилляпти.

Фуқаролик жамиятининг ривожланиши мобайнида инсон омилнинг компонентлари, фаолияти билан бирга такомиллашиб борапти. Бугун инсондан талаб этиладиган масала - ўзининг ички ва ташқи имкониятларини, билим даражаси, маҳорати, қобилиятини англаш, давр талаблари нуқтаи назардан тушуниш, уларни керакли жойда қўллаш вазифаси алоҳида ўрин эгаллайди. Инсон қайсидир компонентга нисбатан ортиқча даражада урғу берса ёки, аксинча, эътиборини пасайтириб борса, унда инсон омили бир томонлама ривожланиб боради. Жамиятимизнинг ривожланиши инсон омилнинг компонентларини пропорционал намоён бўлишини тақозо этади. Шу билан бирга тарихий босқичларнинг мазмунидан келиб чиқиб, инсон омилнинг қайсидир компоненти устувор йўналишни ташкил этади, маълум бир даражага эришилгандан кейин эса устувор ривожланиш бошқа компонентга ўтади ва уларнинг эгаллаган ўрни доимо ўзгариб боради. Масалан, бозор иқтисодиётининг дастлабки босқичида фуқаролардан иқтисодий билимнинг тезкорлик билан юксалишига ҳаракат қилинди, иқтисодий муносабатлар барқарорлик даражасига кўтарилганда, маънавият масалаларига эътибор ўсиб борди. Бу борада республикамиз Биринчи Президенти Ислон Каримов маънавиятнинг беқиёс аҳамияти ва кучи ҳақида барча асарларида ёритиб берди. Маънавият масаласи иқтисодий, сиёсий, бошқарув, тарбиявий, меҳнат жараёни, турмуш каби

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

масалалар билан боғланган ҳолда намоён бўлади, уларнинг бир-бирига яқинлигини таъминлайди, натижада инсон фаолияти юксалиб боради. Бу йўналишда вужудга келаётган муаммоларга онгли ва ижодий равишда ёндашилади, муҳими, жамиятимизнинг ҳамма соҳалари маънавий жиҳатдан янгиланапти. Шунинг учун давлатимиз маънавият масаласини инсоннинг онги, ақл-заковати билан боғламоқда, яъни кўрсатилган фазилатлар интеллектуал капитални ташкил этади. Умуман олганда, инсон омилини интеллектуал капиталсиз тасаввур қилиб бўлмайди, чунки концептуал ғоялар, қарашлар, илмий асосланган билимлар йиғиндиси, давр талабларига мос келадиган дунёқараш инсон омилининг етакчи компонентлари сифатида кўп қиррали фаолият самарадорлигини таъминлайди, юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш имкониятларини очиб беради ва жамиятимиз долзарб масалаларини аниқ режа асосида ҳал этишга даъват этади. Айтиш керакки, инсон омили билан фаолиятининг ўртасида узвий боғланиш

мавжуд, уларни мустаҳкамлашда бир томондан шахс ўзи, иккинчи томондан эса давлатимизнинг олиб бораётган оқилона сиёсати роль ўйнайди.

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи ҳаётида ўсиб бораётган салоҳияти инсон омилига, унинг ижодий меҳнатига ва, албатта, ижтимоий-сиёсий фаолиятига таянади. Демак, инсон омили республика ҳаётининг барча соҳаларига ўз таъсирини кўрсатади ва шу билан бирга ўзи ҳам, яъни тузилишининг мазмун-моҳияти ижобий томонга ўзгариб боради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, инсон омилининг тузилиши ва мазмунида жамиятимизда содир бўлаётган барча ўзгаришларни мужассамлаштиради, компонентлари бир-бирига яқинлашади ва, ниҳоят, уларнинг бир маромда ривожланиши учун ғоявий-мафкуравий негизларини мустаҳкамлайди. Бундан ташқари, инсон омилининг жамият тараққиётига таъсири ва баркамол авлодни тарбиялашга қўшадиган салмоқли ҳиссаси ўсиб боради.

Адабиётлар:

1. Жўраев Н. Таҳайюр тасаввур, тафаккур. –Т., Янги аср авлоди. 2015.
2. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тadbиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Ўзбекистон овози. 2018, 8 декабрь, 114 (32-482) .
3. Назаров Қ. ва бошқалар. Фалсафа асослари.– Т., Ўзбекистон нашриёт – матбаа ижодий уйи., 2005.
4. Юсупов Э. Фалсафа. –Т.: “Шарқ” МАТБАА концерни Бош таҳририяти, 1999.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. -Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабрь, №1.